



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (13.529)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 26 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАТАРИСТОН РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ҳамда жорий йил апрель ойидаги Россияга давлат ташрифи доирасида имзоланган икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ Россия Федерациясининг Татаристон ва бошқа субъектлари билан алоқалар фаоллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мавжуд улкан саноат салохияти, аъъанавий яқин ҳамкорлик ва кўп асрлик маданий-тарихий алоқалар кўп қиррали ўзаро шерикликни тубдан кенгайтириш учун ишончли пойдевор яратётгани қайд этилди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни аниқ мазмун билан бойитишга доир масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар аламушу ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма дастурларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Татаристон Президенти Рустам Миннихонов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топшириғига биноан мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазири Александр Ткачевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, олий даражадаги мунтазам учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг изчил ривожланиши ва янада мустаҳкамланишига, турли соҳалар, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган "яшил йўлак" доирасида Россия бозорида етказиб берилаётган ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг тури ва ҳажми кенгайиб бормоқда. Россия ташкилот ва компаниялари ҳар йили Ўзбекистонда ўтказилаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқда. Шу ойнинг бошида бўлиб ўтган навбатдаги ярмарка якунида умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ бўлган экспорт шартномалари имзоланди.

Аграр саноат мажмуида қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Интенсив боғдорчилик, иссиқхоналар ҳўжалиги, чорвачиликни ривожлантириш, селекция ва уруғчилик соҳалари шулар жумласидандир. Мамлакатларимиз илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Учрашувда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва замонавий савдо-логистика инфратузилмасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аграр соҳада кооперацияни кучайтириш ва қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, уруғчилик ва ветеринария препаратлари тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Россия қишлоқ ҳўжалиги вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Александр Ткачев Россия мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН – ТАТАРИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновнинг ташрифи доирасида 25 сентябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон доираларининг қўшма бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Форумда Ўзбекистон ва Татаристоннинг ташки савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, автомобилсозлик, қурилиш, кимё, енгил саноат, тиббиёт, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари ва сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов, Татаристон Республикаси Президенти Р.Миннихонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг учрашувларида эришилган келишувлар барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда Татаристоннинг 50 га яқин компанияси вакиллари Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этишининг устувор йўналишлари, мамлакатимизнинг нефть-газ, сайёҳлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги салоҳияти, амалга оширилаётган изчил ишловлар, яратилган сармоявий муҳит ва имкониятлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самаралари билан танишди.

Тадбирда нефть-газ, машинасозлик, тўқимачилик, фармацевтика, илм-фан, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида, Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Татаристон компаниялари ўртасида амалий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни бажариш юзасидан фикр алмашилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси ва Татаристон Республикаси Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, туризмин ривожлантириш, ахборот-ком-

муникация, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланди.

Рустам Миннихонов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ва бошқа идораларда музокаралар ўтказди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов мамлакатимизга ташрифи доирасида 24 сентябрь куни Самарқанддаги муқаддас қадимжов тарихий обидалар билан танишди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исрол Каримов мангу қўлим топан маскани зиёрат қилди, Буюк Йўлбошимчи қабрига гул қўйиб, хурмат бажо келтирди.

Юқори мартабали меҳмон шаҳардаги Ҳўжа Дониёр зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур макбараси, Регистон майдони ва Мирзо Улугбек расадхонасини томоша қилди. Мазкур иншоотларнинг ҳар бири халқимизнинг бой ўтмиш ва қадимий маданиятга эга эканидан далолат беришини қайд этди.

Имом Бухорий мажмуаси зиёрати Татаристон Президенти учун Самарқандга ташрифининг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Дунёга машҳур Сийб деҳқон бозоридagi тўқин-сочинлик, шарқона савдо маданияти ҳам татаристонлик меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Россия Федерацияси Татаристон Республикаси Президенти Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида мамлакатимизда истиқомат қилаётган татар миллияга мансуб юртдошларимиз билан учрашди, Татаристон санъат усталари иштирокидаги концерт дастурини томоша қилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида 25 сентябрь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, парламентлараро алоқалар бу муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Президенти-миз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамият ва давлат ҳаётини ислоҳ этишининг барча соҳаларини қамраб олгани қайд этилди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида "Корея - Ўзбекистон" парламент дўстлик ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил этилган.

Томонлар парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашувда парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг Спикери Чон Сэ Гюн самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни мустаҳкамлаб бораётганини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақидаги фикрларини баён этди.

– Жанубий Корея сиёсатчилари 2017-2021 йилларда

ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил этилган.

Томонлар парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашувда парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг Спикери Чон Сэ Гюн самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни мустаҳкамлаб бораётганини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақидаги фикрларини баён этди.

– Жанубий Корея сиёсатчилари 2017-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ олиб борилаётган тизимли ислохотларни юқори баҳолайди, – деди Чон Сэ Гюн. – Ислохотларнинг ўз вақтида, босқичма-босқич, шунингдек, сифатли амалга оширилиши Ўзбекистон учун янги имкониятлар очмоқда. Ушбу жараёнда Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Ўзбекистон парламенти билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга тайёр.

Корея Республикаси делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Меҳмонлар эзгу ниятларимиз рамзи, хурриятимиз тимсоли бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

лигини янада мустаҳкамлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Бекобод туманидаги "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида аҳоли билан очик мулоқот ва сайёр қабул ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси вилоят кенгаши вакиллари, маҳл депутатлари вилоят ва туман Кенгашилари депутатлари, туман ҳокимлиги ва қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган сайёр қабулда фуқаролардан кўплаб таклиф ва мурожаатлар тушди.

● Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида "Фар Ривож сервис" хусусий корхонаси курувчилари томонидан барпо этилган 2 қаватли 20 хонадондан иборат икки ва уч хонали шинам уй-жойлар ҳарбий хизматчилар оилаларига топширилди.

ЖАҲОНДА

● БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида 50 дан ортиқ давлат вакиллари ядровий қуролни таққлаш тўғрисидаги келишувни имзо-

*Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ*

СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экологик вазиятни яхшилашга, шу жумладан, сув объектларини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, тошқин ва сел ҳодисаларида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар дарёлар ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналари, қўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш (кейинги ўринларда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш деб юритилади) ишларини амалга оширишда қўшма материалларини рухсатсиз қазиб чиқариш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўз навбатида, қўшма материалларининг рухсатсиз қазиб чиқарилиши аксарият ҳолларда ер усти ва ер ости сувлари қайта кетиши, сувни муҳофаза қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланиши, уларнинг қирғоқлари, суғориш тизимлари, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг бузилишига, шунингдек, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Фақат 2017 йилда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноконуний амалга ошириш бўйича 228 та ҳолат, шу жумладан, давлат экологик экспертизаси ҳулосаси ёки норузда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияси мавжуд бўлмаган 176 та субъект томонидан ноконуний амалга оширилган ҳолатлари аниқланган.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ноконуний амалга оширилишига йўл қўймай, атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш, шунингдек, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер қўқиси хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари (кейинги ўринларда ФВБ ихтисослаштирилган отрядлари деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПК-585-сон қарори билан ташкил этилган Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор қўқиси ва ер қўқиси ҳодисалари хавфини қайта кетиши бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) қарорларига асосан бошқа ташкилотлар томонидан фақатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имкониятсизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тўғрисида Комиссия қарори Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарё ўзанларини ўрганиш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш имкониятларини баҳолаш натижалари бўйича қўшма ҳулосаларига асосан қабул қилинади;

(Давоми 2-бетда)

лади. Маросимда ўнлаб давлатлар раҳбарлари ва ташки ишлар вазирлари қатнашди. Шунингдек, Гайана, Ватикан ва Таиланд ратификацион ёрликларини топширди. Келишув ратификация қилинганидан сўн 90 кун ўтиб, кунга қиради. Унга кўра, иштирокчилар ҳеч қачон ядровий қурол ишлаб чиқармайди ва бундай технологиялар устида иш олиб бормайди. Шунингдек, уларнинг ҳудудидида бошқа давлатларнинг ядровий қуроллари жойлаштирилмайди.

● Германияда Бундестагга сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакатда 19-бор ўтказилган ушбу парламент сайловларида Ангела Меркель етакчилик қилаётган партия 33,5 фоиз овоз олгани ҳолда ғалаба қозонди. Эндиликда Ангела Меркель канцлер сифатида яна тўрт йил давомида ҳукуматни бошқаради.

● Буюк Британия бош вазири Тереза Мэй ўз мамлакатини 2019 йилда Европа Иттифоқи таркибидан чиққанидан сўн ҳам ушбу ҳамжамият билан ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолиш ниятида эканлигини билдирди. Хусусан, Буюк Британия кейинчалик ҳам Европа Иттифоқи билан ягона бозорда қолиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 майдаги 135-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади;

дарёлар ўзанларида норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирга йўл қўймаслик шартли билан норуа фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади;

норуа фойдали қазилмалар қонини ишлаб чиқиш "Санотгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ер қазридан оқилана фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи ишлаб чиқиш тизими бўйича амалга оширилади;

ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари ва бошқа ташкилотлар норуа фойдали қазилмалар қайта ишланган ва сотилган ҳолларда ер қазридан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда солиқ тўлайди. Бунда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш норуа фойдали қазилмаларни сотишдан олинган даромадлар миқдорига камайтирилади.

2. Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибларини бузилишини аниқлаш ва олдини олиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Идораларо гуруҳлар (кейинги ўринларда идораларо гуруҳлар деб юритилади) ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгиланган кўйилганки: **1. Қорақалпоғистон Республикаси** ва вилоятлар идораларо гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарори билан, туман ва шаҳар идораларо гуруҳлари эса, сув объектларининг жойлашувино инобатга олган ҳолда, уларнинг ҳудудий бўлинмалари қўшма қарори билан ташкил этилади;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги вақтларда дарёлар ўзанлари, қўллар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш (кейинги ўринларда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш деб юритилади) ишларини ўтказиш кўринишида амалга ошириладиган қўшма материалларини назоратсиз қазиб олиш ҳолатлари кўпайди.

Ушбу фаолият дарё тўларининг юврилиб кетишига, қирғоқларининг ўпирилишига сабаб бўлади, бу, ўз навбатида, фавқулодда вазиятлар юзага келиши ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга зарар етиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Ҳақат 2017 йилнинг ўтган даврида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноконуний амалга ошириш бўйича 228 та ҳолат аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Юзага келган вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, мазкур соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**

Мазкур қарор билан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноконуний амалга оширишга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирларни рўйбга чиқариш назарда тутилган.

Бундан ташқари, транспорт ва гидро-техника инфратузилмаси объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш соҳасида аниқ вазифалар белгиланди.

Хусусан, дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари факатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имкониятсизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Мазкур ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида сел, тошқин ва ер қўнқиси хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустаҳкамлаш, химоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари ташкил этилади. Ушбу фаолият билан бошқа ташкилотлар ҳам шўгулланиши мумкин.

Бундай ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон қарори билан ташкил этилган Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш таъминлаш, қор қўнқиси ва ер қўнқи ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори асос ҳисобланади.

Бунда Комиссия томонидан шундай қарор Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарёлар ўзанларини ўрганиш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш имкониятларини баҳолаш натижалари бўйича қўшма ҳулосаларига асосан қабул қилинади.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари, марказлаштирилган капитал қўйилмалар ли-

митлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибига солиш, унинг экологияга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлашда амалга ошириладиган мазкур фаолият лицензияланиши шарт.

Дарёлар ўзанларида норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун лицензия Норуа фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ-1524-сон қарори билан белгиланган тартибда тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирга йўл қўймаслик шартли билан берилади.

Норуа фойдали қазилмалар қонини ишлаб чиқиш "Санотгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ер қазридан оқилана фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш таъминловчи ишлаб чиқиш тизими бўйича амалга оширилади.

Мазкур соҳадаги қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарлар даража-сида таркибига 12 та вазирлик, идора ва ташкилотларнинг, шу жумладан, давлат чегараларини химоя қилиш, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари киритилган доимий фаолият кўрсатувчи идораларо гуруҳлар ташкил этилади.

хофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ФВВ ихтисослаштирилган отрядларини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш бўйича олдин қабул қилинган қарорларини бекор қилсин, шунингдек, бундан кейин Комиссиянинг тегишли қарорисиз ер участкаларини ажратишга йўл қўймасин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сув объектлари ташқарисида норуа фойдали қазилмаларнинг муқобил хомашё манбаларини аниқлашга қўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилишга ҳақдорликни қўйиштиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини;

Дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда қабул қилинган идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 25 сентябрь

Жаҳон ҳамжамиятида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нуфузи ва таъсири жиҳатидан етакчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Жаҳоннинг аксарият давлатлари аъзо бўлган бу ташкилот Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтаётган 72-сессиясида ташкилотнинг тенг ва тўлақонли аъзоси сифатида мамлакатимиз номидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиб, нутқ сўзлагани муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди.

ҲАМЖИХАТЛИК — ГЛОБАЛ
МУАММОЛАРНИНГ
ОҚИЛОНА ЕЧИМИ

Давлатимиз раҳбарининг нутқида илгари сурилган қатор масалалар бугунги кунда нафақат бизнинг минтақамиз, балки дунё ҳамжамиятига бево-сита алоқадор. Шунинг учун маъруза иштирокчилар томонидан илқ кўтиб олинди ва юқори баҳо-ланди. Ҳар бир муаммо унинг оқилана ечими билан бирга кўтарилгани эътибор ва эътирофга лойиқ, албатта.

Хусусан, бугунги куннинг энг ўқир экологик муам-моларидан бири — Орол ҳалокати. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бир-лаштиришни тақозо этаётгани қайд этилди.

Маърузадан ўрин олган Афғонистондаги вазия-тни барқарорлаштириш масаласи ҳам нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизлиқни таъминла-шининг муҳим шартли бўлиб қолаётди. Президентимиз Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона ва оқилана йўли сифатида ҳукумат ва мамлакат ичи-даги асосий сиёсий қучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, 30 йил атрофида давом этаётган Афғонистондаги сиёсий беқарорлик ва қонли тўқнашувларнинг ечи-ми борасида бирор маротаба томонлар ўртасида ҳеч бир шартларсиз, тўғридан-тўғри мулоқотлар бўлмаган. Шу нукта назардан ҳам Афғонистон ма-саласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим эканлиги қайд этиб ўтилди.

Маърузада таъкидланган яна бир муҳим маса-лага эътибор қаратсак. Давлатимиз раҳбари дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда қучайиб бораётгани уларга қарши, асо-сан, қуч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганини айтиб ўтди. Дарҳақиқат, узоқ йил-лардан бундан ташқари қарши курашда ўзини оқламаётган қуч ишлатиш усулларини бошқа таъ-сир чораларига алмаштириш вақти етиб келган-лигини атрофимизда кечаётган воқеалар тасдиқ-лаб турибди. Президентимиз қайд этиб ўтганла-ридек, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни кел-тириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш би-лангина чекланиб қолинаётганлиги, аини ҳақиқат. Айниқса, экстремистик фаолият ва зўравонлик би-лан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга ет-маган ёшлар томонидан содир этилаётганлиги ма-саланинг нақадар долзарб эканлигини яққол тас-диқлайди.

Шу нукта назардан бундай таҳдидларни келти-риб чиқараётган асосий сабабларни янада чуқур-роқ ўрганишимиз, уларни бартараф қилишнинг оқилана ечимларини ишлаб чиқишимиз лозим. Маърузада қайд этилганидек, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

Маърузада шундай тақлифлар илгари сурилди-ки, уларнинг амалга оширилиши том маънода БМТ фаолиятида янги ва муҳим саҳифани очиб бера-ди. Хусусан, глобаллашув ва ахборот-коммуника-ция технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакл-лантириш ва амалга оширишга қаратилган умум-лаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини иш-лаб чиқиш, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний баргикенглик" деб номлан-ган махсус резолюциясини қабул қилиш тақлиф этилди. Мазкур тақлифлар барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашиш, баргикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинлик-ни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини химоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймас-лик каби эзгу мақсадларни назарда тутибди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида юртимизда эри-шилаётган ютуқларга ҳам тўхталиб, бугунги кунда мамлакатимизнинг янги қиёфаси шаклланаётган-лигига ургу берди. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва эр-кинликларини рўйбга чиқариш, инсон манфаатла-рининг том маънода устувор бўлишини таъмин-лашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз ўз маърузасининг якунида биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорлиқни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигимизни қайд этиб ўтди. Эъзу-лик ва яхшилик мужассам бўлган бу чорлов, аини вақтда, Ўзбекистоннинг тинчлик ва фаровонлик мақ-садида ҳамкорлиқни истган барча давлатлар учун очик эканлигини кўрсатиб турибди. Зеро, айнан мана шундай дўстона муносабатларгина глобал муаммоларни ечишнинг, атроф-муҳитни, дунё ман-зарасини асраб қолиш, ёшларимиз келажаги учун муносиб шароитлар яратишнинг ягона ва оқилана ечимидир.

Аҳмад ИСМОИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий маркази
директори ўринбосари
ЎЗА

**Пойтахтимиздаги
6-сонли шаҳар
клиник
шифохонасида
“Тиббиёт
ходимларининг
маданиятини
оширишда
китобхонлиқнинг
ўрни” мавзусида
маънавий-маърифий
тадбир бўлиб ўтди.**



ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Мазкур йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб мақсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мўлаоси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, қолаверса, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилди. Унга мазкур муассасада фаолият олиб бораётган шифокорлар, ҳамширалар, шунингдек, мутасадди ва жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

Маънавий-маърифий тадбирда сўзга чиққан 6-сонли шаҳар клиник шифохонаси бош шифокори Аббос Рахимов, терапия бўлими мудир Гулҳаё Отажоновна, неврология бўлими мудир Муҳаббат Насруллаева, кардиология бўлими мудир Тожимурод Ашуров, бош шифокор муовини Ином Собилов ва бошқалар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида солиқли сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор ва бу борада эришилаётган ютуқлар ҳамда тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг олий мақсади — инсонларга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги даврда шифо-

корларнинг маданиятли бўлишлари долзарб масала эканлиги, шунинг учун ҳам тиббиёт масканларида китоб мўлаосини тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари ўта зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Клиник шифохонамиз пойтахтимизнинг Бектемир, Яшнобод, Миробод, Сергели, Олмазор ва Юнусобод туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Фуқароларга терапевт, кардиолог, невролог, уролог, стоматолог ва бошқа мутахассислар томонидан тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Тиббиёт масканимиз 3 та стационар бўлимдан иборат бўлиб, 143 та ўрин мавжуд. Бугунги кунда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси халқимизга замон талабларига мос, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган, десак айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунинг учун ҳам бундай тадбирларни мунтазам равишда уюштириб туриамиз, — дейди 6-сонли шаҳар клиник шифохонаси бош шифокори Аббос Рахимов.

Шунингдек, йиғилишда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, шифокорларнинг

бу каби янгиликлардан бохабар бўлиб туришлари кераклиги, оммавий ахборот воситалари ва даврий матбуотни мунтазам кузатиб бориш долзарб эканлиги, ана шунда улар келгусида соҳа ривожини янги bosқичга кўтари олишлари тўғрисида батафсил тўшунчалар берилди.

— Ҳозирги пайтда шифохонамизда жами 87 та ходим фаолият олиб борапти. Улардан 10 нафари олий тоифали шифокорлар ҳисобланишади. Ходимларимизнинг яхши ишлари учун доимо уларни рағбатлантириб туриамиз. Байрамларда турли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган, десам муболага эмас. Мана яқинда 55 нафар ходимларимиз билан Самарқанд зиёратига бориб келдик. Энди жаннатмакон юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам боришни режалаштирганимиз. Бу эса ўз навбатида, ходимларимизнинг аҳоли саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларида яхши натижалар бериши аниқ, — дейди шифохона касаба уюшмаси раиси Тожимурод Ашуров.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, юксак маданият ва билимли шифокорлар беморларнинг тезроқ тўзалишига умид бағишлайди. Шу боис шифокор маънавиятининг юқорилиги сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил ҳисобланади.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ
К. Ўлмасов олган сурат

Қарор ва ижро

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ— ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкент давлат стоматология институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқлини сақлаш тизимига оид ҳужжатлари ижросига бағишлаб “Тиббиёт олий ўқув юртларида таълим жараёни сифатини юксалтириш ва ўқув жараёнини тўғри шакллантириш” мавзусида семинар ташкил этилди.

Институт проректори М.Дўстмухамедов ва бошқалар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича иختисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим масалалар белгиланган.

Президентимизнинг жорий йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида самарали ишлар амалга оширилаётди.

Тошкент давлат стоматология институтида жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилиб, ўқув жараёнига илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллари кенг жорий қилинмоқда. Шунингдек, ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хориждаги таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларда амалиёт ўташини, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилган.

Институтда жорий ўқув йилидан бошлаб факультетларнинг барча курсларида камидан иккитадан гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш йўлга қўйилгани талабаларнинг хорижий тенгдошлари билан мулоқот ўрнатиши ва халқаро стандартларга мос кадрлар тарбиялашни таъминлайди.

Тадбирда мазкур амалиётни тиббиёт йўналишидаги барча олий таълим муассасаларида жорий қилиш ижобий самара бериши таъкидланди. Талаба-ёшларнинг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, касбига бўлган масъулиятни шакллантириш ҳамда таълим сифатини янада ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

рот-коммуникация соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлишга эътибор қаратилмоқда.

Ўқув-курсда маърузачилар томонидан ҳали аксарият марказий ва ҳудудий журналистларнинг профессионалиги ва касб маҳорати талаб даражасида эмаслиги, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлиги туфайли ҳудудий босма нашрларда таҳлилий материаллар сони талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Бундан ташқари, жаҳон медиа соҳасини чуқур ўрганиш, журналистларимизнинг етакчи хорижий нашрларда мунтазам малакаларини ошириш ҳамда тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш долзарб вазифалар сирасидан эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, журналистларни қайта тайёрлашнинг муҳим йўналиши сифатида уларни замонавий технологиялар, хорижий тиллар, Интернетни ўзлаштириш, тахрирлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини янада кўпроқ жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ёш журналистларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда профессионал журналистлар тажрибаси ва маҳоратидан фойдаланишни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

Тадбирда журналистларни мазкур соҳага иختисослашув борасида мутахассислар томонидан атрофича маълумот берилди. Шу билан бирга, иштирокчилар ҳам бу борада ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб, соҳада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинар якунида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистларга ташкилотчилар томонидан махсус дипломлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Олмазор туман маъмурий судининг думалоқ гербли муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2012 йилда Худойбердиева Ирода Олим қизи номига берилган К№ 2704064-сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Архитектура қурилиш институти томонидан 2014 йилда Шамшиев Мақсуд Шариф ўғли номига берилган В№ 675525-сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ВА “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Умринг биносининг меъмори ҳам, қурувчиси ҳам, соҳиби ҳам ўзингсан.

Ҳаёт чорасиз қолдирмайди.

Данакдай имкониятдан дарахтдай натижага эришиш мумкин.

Ҳар ким ўз ишини қилса, олам ишлари жо-бажо бўлади.

Дунёда айтилган гапдан ҳали айтилмаган гап кўп.

Ботин кўзи очилгунча зоҳир кўзи юмилади.

Нафс отига минган узоққа бормайди.

Ҳаловатнинг номи бору ўзи йўқ.

Гулнинг умри қисқалигини билса-да, гунча гулга айланмиш орзулардан воз кечмайди.

Сабр қилган дунёнинг тагига етади.

Қўрқоқни ҳамиша кимдир таъқиб этади.

Инсон табияти азалда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай — бирор-бир инсоний иллат йўқолиб, бирор-бир инсоний фазилат ортган эмас.

Енгил ҳаётнинг ажри оғир бўлади.

Тортиб олинган бахт бахтсизликка айланади.

Бировнинг бахт гули бошқанинг боғида кўкармайди.

Умр барча орзу-ҳавасларингга етадиган даражада узун эмас.

Дунёни чарх уриб излаганинг оёғининг остида чиқади.

Бахт давлатда эмас, давлат бахтда.

Интилганни қўллайдиганлар топилади.

СОҲАГА ИХТИСОСЛАШУВ – ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимизда “Мухаррирликка иختисослашган журналистларнинг касб малакасини ошириш” масалаларига бағишланган икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилди.

— Замонавий глобаллашув жараёнларининг шиддат билан авж олиши ОАВ соҳасида дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеликларга тез ва мос тарзда муносабат билдиришни тақозо қилмоқда, — дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори вазифасини бажарувчи Лутфулло Сувонов. — Бу эса, ўз навбатида, ОАВ вакиллари олдида кенг жамоатчиликка ахборотни тезкор, ҳолислик билан аниқ, далиллар асосида етказишдек муҳим вазифани қўяди. Мазкур ўқув-курсни ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини ОАВда ёритишда муҳаррирларнинг касбий билим ва малакаларини ошириш, журналистларга муҳаррирликнинг назарий ва ама-

лий жиҳатларига оид зарурий билим ва тавсиялар бериш, муҳаррирликка иختисослашиш масалаларига оид тажриба ва муаммоларни таҳлил қилишдан иборат.

Ишлаб чиқариш ва техника соҳасидаги кескин ўзгаришлар, замонавий ОАВ тараққиёти олдидаги вазифаларнинг тобора кенгайиб бориши журналистика ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янада мураккаблашиши, аънаваларнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Бу эса, ўз ўрнида журналистикада иختисослашув масаласига жиддий эътибор қаратилишини талаб этади.

Ижтимоий ҳаётга янгиликларнинг шиддат билан кириб келиши, ўз ўрнида ахборотни тахририят нашрларида жойлаштирадиган ва тахрир қиладиган муҳаррирлар олдидаги масъулиятни ҳам янада оширади. Шунинг билан олган ҳолда, бугунги кун муҳаррири олдида махсус билим, малака ва амалий кўникма, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, саводхонлик, адабий дид, ноширлик тажрибаси, танқидий фикрлаш, ўз ишига муҳаббат қобилияти каби асосий талабларни қўймоқда.

Айни вақтда, тезкор давр журналист кадрларнинг нафақат иختисослашувини, балки универсаллашувини ҳам талаб этмоқда. Бугунги кун журналистидан бир вақтнинг ўзида ҳам мақола ёзиш, расмга олиш, ахбо-

рисобланади. Шу сабабдан ҳам “Тоza ҳаво” тадбири жуда катта аҳамиятга эга.

Тадбир жараёнида, атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрдан ортиқча зарарли газларни чиқараётган автотранспортларнинг эгаларига ўз вақтида автотранспортларини соз ҳолатга келтиришлари тўғрисида тавсия ва кўрсатмалар берилди, белгиланган меъёрни кўпол равишда, яъни кўп миқдорда бузган автотранспортлар “Йўл патруль хизмати” ходимлари томонидан “автотранспортларни вақтинчалик жарима майдонига қўйиш шохобчалари”га олиб бориш ҳолатларига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ушбу тадбир ҳар йили баҳор мавсумида ҳам амалга оширилади.

Ҳар биримиз, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдиримиз, шундагина биз ёш авлодларга мусавффо ҳаво ва она табиятимизнинг бетақдор манзараларини асл гўзаллигича қолдирган бўламиз.

Азизбек КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлими бошлиғи

“ТОЗА ҲАВО” ТАДБИРИ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил декабрь ойида қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида Атмосфера ҳавосига автотранспортлардан чиқадиغان зарарли газларнинг назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклатилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу вазирлиқнинг Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тақлифига асосан, Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан биргаликда Тошкент шаҳрига кириб келадиغان йирик 6 та, “Эркин”, “Шарқ”, “Уч қарамон”, “Турбанов”, “Келес” ва “Бектемир” постларида 2017 йилнинг 10 сентябридан 10 октябригача “Тоza ҳаво” тадбирининг 2-босқичи ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирда бошқарма қошидаги Махсус аналитик назоратга иختисослашган лабораторияси ҳисобидаги газанализатор ҳамда тўтун ўлчагич асбоблари орқали бензин ва дизель ёқилғисидан ишлашга мўлжалланган автотранспортлар кўриқдан ўтказилмоқда.

Газанализатор ҳамда тўтун ўлчагич асбоблари Давлат стандартларидан ўтган бўлиб махсус сертификатларга эга. Ҳар бир постда ўртача бир кунда 100 тадан ортиқ автотранспортлар текширишмоқда. Агарда олдинги текширув натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами автотранспортлардан атмосфера ҳавосига давлат стандартига асосан белгиланган 3,5/2,0 меъёридан ортиқча зарарли газларни ташлаётган автотранспортлар 7 фоизни ташкил қилмоқда.

Ушбу кўрсаткич 20 йил олдин 25 фоиздан иборат бўлган. Кўрсаткичнинг яхшиланганлиги асосий сабабларидан бири юртимизда “EVRO-3” давлат стандартлари талабига жавоб берадиган автотранспортларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги ҳисобланади.

Шаҳримиз атмосфера ҳавосининг зарарли газлар билан умумий ифлосланиш даражасини оладиган бўлсак, атмосфера ҳавосига ташланадиган жами зарарли моддалар ва газларнинг 90 фоизидан ортиғи автотранспортларга тегишли



ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг келажаги йўлида доимий ҳамхўрлик кўрсатишнинг миллий тизимига асос солинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ёшларининг ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, ақлан етук, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларни эгаллашлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Президентимиз раҳнамолигида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёш авлодни турли мафкураларни ҳуқуқлардан ҳимоя қилиш, юрдошларимиз, айниқса, ёшларда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда ёшларимиз илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида эришган ютуқлари билан Ватанимиз доираси дунёга таратмоқда. Бутун дунёда жиноятчилик, одам савдоси, гиёҳвандлик глобал муаммога айлангани барчага маълум. Бу каби салбий иллатларни илдириш билан сугуриб ташлаш, соғлом муҳитни барқарор таъминлаш барчанинг олий мақсади ҳисобланади. Шу ўринда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати навқирон авлод онгли ва қалбига ватанпарварлик, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб воғга етишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни ёш авлодга эътиборнинг юксак намунасидир. Маъмур қонунда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари янада мустаҳкамланди. Бу борада давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгиланган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ислохотларда келажагимиз ворислари бўлиши ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар белгиланган.

Мустақил юртимизда юритилаётган қучли ёшлар-сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Бу келгусида ўз натижасини бериши аниқ.

Одил МУСАЕВ,
Учтепа тумани 7-ДНИ
нотариуси

Халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари бетакрордир. Эрта саҳардан ҳовлиларга сувлар сепилган, тандирлардаги иссиқ нонларнинг ифорли ҳидлари инсон баҳри-дилини очган, момолари, боболари улашган майизи ширинликлардан баҳраманд болажонларнинг юзларидаги кулгулари ўзгача. Офтобнинг меҳри тушган мана шундай файзли, тинчликсевар юртни қайдан топиш мумкин.

ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Шу ўринда юртимизга кўз тегмасин, ёмон нигоҳлардан асрасин дегимиз келади. Ҳар бир замонда ҳам яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ёнма-ён бўлган. Аммо тарих саҳнасида ҳаммаша яхшилик умиди билан ҳаракат қилган, кўнгилларида ва амалий ишларида фақат эзгулик нашидаси бўлган инсонларгина ғолиб бўлгани ва кўзлаган мақсадига албатта етиши ҳақида бувиларимиз, боболаримиз ўғитларида кўп бора эшитганмиз. Шу маънода англашимиз мумкинки, инсон ҳаммаша эзгу ғоялар руҳида яшashi ва атрофдагиларга ҳам улашиши лозим. Маълумки, бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари, улар томонидан амалга оширилаётган қўруқчилик, ислом дини никоби остида ёвуз мақсадларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлар барчани хавотирга солмоқда.

Бугунги мураккаб мафку-

равий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофчи таҳлил қилиш ва баҳолаш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига миллий тафаккурни, маънавиятни ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий ҳуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Маълумки, дин ҳаммаша инсонларни яхшиликка, эзгу мақсадларга қорлаган. Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек – "Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диндот, ҳам маърифатдир".

Экстремистлар ва террористларнинг ғайриинсоний ва ғайридиний ҳаракатлари бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қад-

риятларни уларнинг сохта ва ўта ғаразли талқинларидан кескин фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди.

Шу боисдан ҳам жаҳолатга фақатгина маърифат билангина ёндашиш мумкин. Ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, улар онгига таҳдид қилувчи турли ёт ғояларнинг салбий оқибатларидан огоҳ этиш, юртимиз тинчлиги, оқилолтириш раҳна солаётган ёвуз қучларга қарши курашишга оид турли мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш керак. Бу борада аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, маънавий-маърифий тадбирларни ва турли мавзуларда кўрик-танловларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш ижобий натижаларни беради.

Арофат АБДУРАИМОВА,
Тошкент фармацевтика
институтини талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобати ривожлантириш давлат қўмитаси қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 30 октябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
 - ушбу давлат активлари учун энг камида қуйидаги жадвалда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
 - янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
 - сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.
- Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:**
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нар-

хидан 15 фоиздан кам бўлмаган закатат суммаси;

— таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланган, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли оқлатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш куни аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 30 октябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 14, 29 ноябрь, 14, 29 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-21-40

Оммавий оферта савдоларига такроран чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи ташкилот	Бошланғич баҳоси (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Умумий майдон 23603 кв.метрга тенг бўлган "Савдо ва хизмат кўрсатиш мулкӣй мажмуаси"	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-уй	"Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ	62 073 944 456,0		
2	Умумий майдон 22728 кв.метрга тенг бўлган "Савдо ва хизмат кўрсатиш мулкӣй мажмуаси"	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент автомобиль халқа йўли кўчаси	"Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ	42 762 493 610,0		
3	1 қаватли бинонинг (ошхона) ертўла иншооти	Чилонзор тумани, Каттортол кўчаси, 38-уй	БФД	488 085 035,0		
4	5 қаватли бинонинг 5 қавати қисми	Чилонзор тумани, "М" мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 28А-уй	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси "Ўзгирроўрмонлойдиха" ДУК	1 865 092 160,0		
5	4 қаватли бинонинг қисми	Чилонзор тумани, 8-мавзе, Каттортол кўчаси, 21-уй	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси	6 175 368 504,0		
6	"Наврўз" савдо мажмуасининг темир конструкцияси	Мирзо Улутбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	БФД	6 607 065,0		
7	"Landshaft dizayn markazi" ДУК	Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	72 668 300,0		

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ" ДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий бинолар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, ўқув юртлари, уйлар қад ростламоқда.

Мана шундай шинам, чиройли масканларни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик оқибатида барбод қилиш ҳам ҳеч гап эмас. Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш билан бирга инсонлар ҳаётини сақлаб қолган бўларди.

Яшнобод туманида жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 149 та ёнғин содир бўлиб, ёнғинларда 4 нафар фуқаро турли ҳилдаги қийиш тан жароҳатини олди. Ачинарлиси 3 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Юқоридаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туманда жойлашган масканлар ва аҳоли турар жойларида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Яшнобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари ёнғин содир бўлгандан кўра унинг олдини олиш афзаллигини эслатиб ўтади.

Улуғбек АҲМАДЖОНОВ,
Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, сержант

Пойтахтимизда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти болалар ва ўсмирларнинг шўхлиги натижасида содир бўлмоқда. Айнан кичкинтойлар назоратсиз қолиб катта муаммолар сабабчиси бўлмоқдалар.

Таътил даврида эса бундай муаммолар 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида ортиб боради. Ёнғинларни таҳлил қилар эканмиз, яна бир бора шунга амин бўламизки, бепарво ота-оналар томонидан назоратсиз қолган болалар гуғурт ёқиб ўйнайдилар. Масалан, Шайхонтоҳур туманида истикомат қилаётган олти яшар Илс ўйиннинг тўртинчи қаватидан қорғоз самолётларнинг четини ёқиб, тепадан учирган. Пастдаги қўшнларнинг бақир-чақирларига қарамай, бола ўз ишини қилаверган. Ёнаётган самолётнинг бири иккинчи қаватдаги хонадоннинг очик ойнасидан учиб кириб, пардаларга илашиб қолган. Бир неча дақиқада ёнғин ҳосил бўлган. Яхшиямки, хонадон ағалари уйда экан, улар ўз вақтида оловни даф этганлар. Акси бўлганидечки?

Шуни айтиш жоизки, болалар билан ишлаш учун катта маҳорат, ғайрат, қўч ва идрок керак. Мактаб ўқувчиларини ёнғин хавфсизлигига доир муаммоларни ечиш ва уларни қоидаларга ундаш мақсадида маълумоти ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан суҳбатлар олиб боришмоқда. Улар бирламчи ёнғин ўчириш воситаларини амалда кўрсатиб келмоқдалар.

Халқимизда огоҳлик, ҳушёрлик — хавфсизликка кафолат деб бежиз айтилмайди. Оддий бепарволик сабабли келиб чиқаётган ҳар бир ёнғин инсонларнинг ҳаётига хавф-хатар солиши ва қўч машаққатлар эвазига бунёд этилган уй-жойларини ва молу мулкларининг ёниб кетишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Фарзандларингизни ёнғин назоратсиз қолдирманг! Гуғурт ва бошқа тез ёнғувчи маҳсулотларни болаларнинг қўли етмайдиган жойларга қўйиш. Уйингиздан чиқиб кетаётган барча газ, электр ускуналарини текширинг ва ўчиришни унутманг!

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
катта муҳандиси, майор

Турли кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олишда фаол иштирок этишимиз зарур.

Таъкидлаш ўринлики, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ушбу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришмоқда. Бундай тадбирлар давомида ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганлиги, локайдлик сабаб уй-жойлар қуйиб қулга айланётганлиги мисоллар ёрдамида тушунтириб берилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари барчани ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга, огоҳликка қорлайди.

Нодир МАҲКАМОВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант

Ёнғин хавфсизлигига риоя этиш уйимиз ва иш жойимизда хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Пойтахтимизда юз берган ёнғинлар таҳлиliga кўра асосан аҳоли турар жойларида шундай оғатлар содир бўлмоқда. Сабаби эса оддий: айрим фуқароларимиз ёнғин хавфсизлигининг қанчалик муҳим эканлигини яхши билишса-да, ҳар доим ҳам бу қоидага амал қилавермайдилар. Масалан, ўйни иситишда носоз мосламалардан фойдаланиш, шунингдек, газ плиталарини ёниқ қолдириш ҳоллари ёмон оқибатларга олиб келади.

Файзулла НОРТАДЖИЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори,
кичик сержант

Айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги ёки табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида турли кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, ҳар бир фуқаро қўндалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилса, турли кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг мақсад муддаси ҳам айнан шундир.

Фоғуржон ИСАМБОВЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

тезликда шамол эсади.
Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 23-25
даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

